


МАМЛАКАТИМИЗДА

Сотувда эркин нархда

53-ATC
айди.
telefon
амияти.

Очиг турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссасдорлик жамияти.

Очиг турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссасдорлик жамияти.

Очиг турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссасдорлик жамияти.

Очиг турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссасдорлик жамияти.



Табдиркорлик

МАҲСУЛОТЛАРИ ОМБОРДА ТУРИБ ҚОЛМАЙДИ

«Агама» давлат устки трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси ҳақида кўп эшитганмиз. Бу корхонанинг тамғаси туширилган кийимлар ҳамдўстлик давлатларга ҳам жўнатилмоқда. Шунинг учун ҳам биз ишлаб чиқариш фаолияти билан танишиб корхона раҳбари Владимир Нагайник билан суҳбатда бўлдик.

— Владимир Иванович, бугунги кунда замонавий устки кийимларнинг жуда кўп тури мавжуд. Лекин сиз раҳбарлик қилаётган корхонада ҳам айнан устки кийимлар тайёрланади. Чиқарилаётган маҳсулотларингиз оմборларда туриб қолмаяптими?

— Барча ишлаб чиқарувчиларни ўйлантирувчи бу саволнинг бизга дахли йўқ. Чунки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот жаҳон андозалари даражасида бўлиб, биз оմборда маҳсулот сақлашни эмас, аксинча уларнинг янгисини ўйлаб топишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, тайёрланаётган хом ашёнинг ўзимиздан чиқаётганлиги эътиборга моликдир.

Бундан саккиз йил муқаддам Зарафшондаги «Агама» давлат трикотаж корхонасининг бўлимини ташкил этиш ҳақида гап борганда, унинг келажаги қай аҳволда бўлишига айримлар шубҳа билан қараган, айримлар катта ишонч билдиришган эди.

Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Навоийэлектростанция» заводлари ҳомийлигида ташкил этилган «Агама» қўшма корхонаси халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бугунги кунда бу бош корхонага қарашли яна ўн та корхона мавжуд.

Улар Тошкентда, Навоийда, Учкунда, Нурободда, Красногорск ва Зафарободда. Буларнинг ҳаммасида фақатгина йигирув, тўкув ва тикиш дастгоҳлари хориждан келтирилган, холос. Хом ашё эса фақат ўзимизда тайёрланади. Барча корхоналар ва шунингдек биз ҳам ўз олдимизга чет элликдан қолдирилган, сифатли, замонавий устки трикотаж кийимлари ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйганимиз. Ва буни амалга оширдик ҳисоб.

— Тайёр маҳсулотлар экспорти даражасига етгунча, албатта жуда катта меҳнат сарф қилинган, шундайми? Нима учун тўғридан-тўғри экспортга маҳсулот жўнатмайсизлар?

— Бизнинг олдимизга қўйган мақсадимиз аввало ички истеъмол бозорини тўлдириш эди. Тўғридан-тўғри экспортга чиқиш даражасига ҳали етмаган бўлсак ҳам, ҳаракатимиз бор. Энг асосийси бош корхонамиз орқали айнан Тошкент «Агама»сида тайёрланган маҳсулотларга талаб кучли бўлаётганлиги модельерларимизни янада яхшироқ ишлашга, излашга ундамоқда. Корхонамиз қошида очилган «Агама» фирма дўконимиздан битта-иккита эмас, улгуржи маҳсулот олиш имконияти ҳам бор. Шунга асосланиб ҳар чоракда 30 турдан зиёд янги устки трикотаж буюмлар тайёрланади. Пайпоқларнинг модели эса



бир йилда бир марта ўзгартирилади. Бу маҳсулотларнинг барчаси Япониядан келтирилган «Шима-сейка» ҳамда Швейцариядан олинган «Пассап» дастгоҳларида тўқилади ва тикилади. Ҳозиргача устки трикотаж моделларининг тури 200 тага етай деб қолди. Авваллари бундай кўрсаткичга фақат йирик корхоналаргина эришиши мумкин эди.

Тошкент «Агама» устки трикотаж корхонасининг иш бошлаганига яқинда олти йил бўлади. Мана шу қисқа вақт ичида Париж ва Миланда ўтказилган замонавий трикотаж маҳсулотлари фестивалида иштирок этишга сазовор бўлди. Ҳатто Лондонда ўтказилган ана шундай фестивалга қўйилган маҳсулотлар кўргазмаси юқори баҳоланган эди. «Гўзал пари — 97» деб

«Излаган имкон топади» деб бежиз айтилмаган. «Агама» фидойиларининг сазй-ҳаракати тўғрисида ҳаққонлик билан айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам корхона ўтган йили 80,5 миллион сўмлик ихчам, бежирим, қулай ва кўркам аёллар, эркеклар ва болалар устки трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарган ва харидорларга етказиб берди. «Агама»нинг бош корхонаси орқали 30 фоиз маҳсулот ҳамдўстлик Давлатлариға экспорт қилинмоқда.

«Излаган имкон топади» деб бежиз айтилмаган. «Агама» фидойиларининг сазй-ҳаракати тўғрисида ҳаққонлик билан айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам корхона ўтган йили 80,5 миллион сўмлик ихчам, бежирим, қулай ва кўркам аёллар, эркеклар ва болалар устки трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарган ва харидорларга етказиб берди. «Агама»нинг бош корхонаси орқали 30 фоиз маҳсулот ҳамдўстлик Давлатлариға экспорт қилинмоқда.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: стандартлаш ва метрология муҳандиси Шоира Набиева ишлаб чиқариш устаси Ольга Савченко билан; тайёр маҳсулотни сотиш бўлими бошлиғи Виктор Пак; моҳир тикувчи Гавҳар Қозоқбоева иш устида; тикув

Рустам Шарипов олган суратлар.

Маълумки, ишлаб чиқариш дунё микёсидаги табиий жараёндир. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: улкан муҳандислик қурилмалари, минерал ўғитларни қўллаш, кишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши кимёвий кураш, тупроқ, сув, ҳавонинг саноат чиқиндилари ва оқова сувлар билан ифлосланиши атроф-муҳитга қандай таъсир этади?

БМТнинг ЮНЕСКО, ЮНИДО ва бошқа кўмиталарининг «Инсон ва биосфера», «Янада тозароқ ишлаб чиқариш» дастури халқаро микёсга олиб чиқилган табиат ва жамият ўртасидаги узвий боғланишларда вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга бағишлангандир.

АТРОФ-МУҲИТ

ХАЛҚАРО ДАСТУР АСОСИДА

Шу йўналишда Чехия Республикасининг «Янада тозароқ ишлаб чиқариш» марказининг олиб бораётган ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу марказ Ўзбекистонда бир йилдан бери семинар машғулотларини олиб бормоқда. Унга Тошкент Давлат техника университети, «ЎзКЖМ», Тошкент лак-бўёқ заводи, Тошкент трактор заводи, «Сув-ГЭО» илмий-ишлаб чиқариш институти, «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти, «Тошкент-сут» акционерлик жамияти, «Селта», «Мезон» кичик корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш қўмитасидан мутахассис, муҳандис ва шу корхоналарнинг экология муаммолари билан шуғулланувчи жавобгар шахслар жалб этилган.

Чехия Республикасининг «Янада тозароқ ишлаб чиқариш» марказининг 1997 йилнинг октябры ойида бўлиб ўтган биринчи семинарида тингловчилар янада тозароқ ишлаб чиқариш методининг асослари, қонуниятлари, уни олиб бориш услубиятлари, экологик сиёсат, муаммони ҳал этишнинг мантикий имкониятлари, менежернинг мажбуриятлари ва бошқа масалалар ҳақида маълумот берилганди.

Илгари бирорта корхонанинг экологик муаммоларни ҳал этишда олиб бо-

рилиши керак бўлган чора-тадбирлар молиявий, технологик ёки бошқа кучларни жалб этиш орқали ҳал этилган бўлса, янада тозароқ ишлаб чиқариш методини қўллаш орқали сарф этилган харажатни қоплаш даврини қисқартириш билан бирга олинadиган иқтисодий самарани, фойданинг миқдорини ошириш мумкинлиги кўрсатилмоқда. Бу услубнинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, уни жорий этишда ортиқча маблағ, технологик жиҳозлар ҳамда хизмат кўрсатувчилар (ишчи)нинг сонини ошириш талаб этилмайди. Яқинда бўлиб ўтган иккинчи семинарда эса асосий мавзу иқтисод ва атроф-муҳит масалаларига бағишланди.

— Тошкент Давлат техника университетида ҳам атроф-муҳит муҳофазаси, бу соҳа бўйича етук мутахассисларни етиштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, — деди анжуманда мазкур университет ректори, академик Т. Миркомиллов. — Масалан, 1—3 курсларда экология асослари фани тўлиқ ўқитилди. Талабалар дунёдаги экологик аҳвол; уни сақлаш қонуниятларини ўрганишти. Экология соҳаси бўйича ўқитган талабалар эса Ўзбекистондаги кўпгина корхоналарда бевосита амалиётни ўтиб, атроф-муҳит муҳофазасини такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Профессор-ўқитувчилар таркиби айрим корхоналар билан тузилган хўжалик шартномалари асосида шу объектларда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш устида ишламоқдалар.

Бўлиб ўтаётган семинар машғулотларида Тошкент Давлат техника университетининг «Саноат экологияси ва кимёвий технология» кафедраси ўқитувчилари ҳам иштирок этмоқдалар.

Улар шу семинардан олган билимлари асосида иқтисод-муҳандислик факультети талабалари, «Саноат экологияси» мутахассислиги талабалари билан ўқитиладиган «Экология асослари», «Экологик сиёсат» мавзуларида маъруза ва оммавий машғулотлар ўтказиб, бўлажак катта корхонанинг менежер ва эколог-муҳандисларига «Янада тозароқ ишлаб чиқариш» асосларини ўргатиб бормоқдалар.

Бахтиёр МУҲАММАДГАЛИЕВ.

УСТА ЙИГИТЛАР

Тошкент метрополитени «Ўзбекистон» депосининг вагонларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатишга тайёрлаш бўлимида асосан ёш усталар меҳнат қилишади. Улар ўз вазифаларини чуқур англаганлари боис бўлса керак метро вагонларининг соғлиғига, эшикларнинг яхши очилиб-ёпилишига алоҳида аҳамият берадилар. Айниқса, Ринат Шарипов етакчилигидаги чилангарлар Маъруф Муҳиддинов ва Алексей Габаткиновлар меҳнат қилган кунлари бирорта вагон депога қайтиб келмайдилар. Чунки улар аниқ ва пухта иш юритадилар.

— Биз ўзимизга топширилган юмушни баҳарлишга одатланганимиз, — дейди смена устаси Ринат Шарипов, — шундай бўлиши ҳам керак-да. Агар ишни чала-чулпа ба-

жарадиган бўлсак, албатта, ўзимизнинг чўнтагимизга зарар бўлади — мукофотдан қуруқ қоламиз. Тунни тонга улаб аҳоли учун намунали хизмат қилаётган ишчилар орасида

Транспорт

Умар Абдулқосимов, Раҳим Парпиев, Олим Умаралив сингари илгорлар талайгина. Улар байрам кунлари ҳам ҳеч оғринмай йўловчиларга қулайлик яратиш билан машғул бўладилар. Шунинг учун бўлса керакки, метро хизматидан шахримиз аҳолиси ва меҳмонлари доимо миннатдор бўлишмоқда.

ҲАММАСИ — «МЕРСЕДЕС»

«Мерседес — Бенц» автобуслари ўзининг қулайлиги ва тезорарлиги билан шахримиз аҳолисини мамнун этмоқда. Ана шундай автобуслардан 10 таси ушбу кунларда 37-йўналиш бўйича йўловчилар

узоғини яқин қилмоқда. «Қўйил-6 — Истиклол бекати» бўйлаб қатновчи бу автобуслар ҳайдовчиларига моҳир ва ишбилармон ҳайдовчи Бердӣёр Мирмахмудов сардорлик қилмоқда. У бошқилик қилаётган бригада аъзолари баракали меҳнат қилишмоқда. Шу мақсадда автобус рулини бошқарётган Мақсуд Ражабов, Комил Собиров, Хўжа Ғофуровлар кунлик режаларини ошириб урда билан бирга йўловчиларга хушмуомалада бўлишмоқда. Хар бир автобусда чипталар ўз вақтида сотилмоқда, орқа эшикларнинг ҳам ўз вақтида очилиши йўловчиларни мамнун этиб, уларнинг эътирозларини камайтирмоқда. «Элга хизмат — олий ҳиммат» дейди халқимиз. Йўналиш сардори бу ибратли нақлни ҳамкасбларига ҳар кун эслатади.

Шарифа БАҲРОМОВА.



Трамвайнинг Юнусобод бекатида суҳбатлашаётган икки аёлнинг кўйидаги сўзлари беихтиёр қулоғимга чалинди. — Вой, яна янги дорихона очилибди-ми, кўшнжон, — сўради бири иккинчидан, рўпарадаги пештоқига «Дорихона» деб ёзилган бинони кўрсатиб.

— Энди кўрдингизми, иш бошлаганига бир ой бўлди-ку. Тунов кўни кирган эдим. Керакли дориларни сўрасам нархи осмонда.

— Ахир икки қадам нарида ҳам бийондек дорихонамиз бор. Енма-ён иккита бир турдаги хизмат нуқтасининг нима кераги бор экан. Ундан кўра эркеклар учун сартарошхона очилмайдими? Маҳалламиздагилар қачон қарасак сартарошхона кидириб югуришгани югуришган.

Тўғри айтасиз. Мана шу янги дорихонамизнинг ўрни азалда сартарошхона эди. «Таъмирлаймиз» деб беркитишди. «Материал танқислик қияпти» деб уч-тўрт йил эшикдан қулфни олишмади. Бирдан қарасак сартарошхона ўрнида дорихона пайдо бўлибди. Аҳоли гавжум шундай катта даҳанинг ҳар қадамида бир дорихона бўлсаю лекин дорига сартарошхона топилмаса қизиқ бўларкан. Тунов кўни болаларимнинг сочини олдириш учун азда-базда шаҳарга олиб борибман-а.

Аёлларнинг шу сўзларини эшитиб хаёлга толдик. Чиндан ҳам ҳозир шахримизда нима кўп дорихона қўп. Қай томонга қараманг «Дорихона» деган ёзувга кўзингиз тушади. Албатта дорихона керак. Лекин ҳамма нарсда меъёр бўлгани яхши-да. Боз устига бу турнақатор дорихоналардаги нарх-навонинг

«қақиб олишини» айтмайсизми? Рақобат кўпайган сари баҳоси пастанлашиш ўрнига кўтарилиб бориши «дард устига чипқон» бўляпти.

Хўкратимиз аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келаётгани ҳаммага кундек равшан. Президентимизнинг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимини ислохотларни давом эттириш тўғрисида»ги Фармони фикримизнинг далили. Лекин афсуски, кўплар маиший хизмат деганда

шам маданият саройини эслатарди. Бир томон чойхона, сўриларда нуруний қариялар суҳбатлашиб ўтиришибди. Мўъжазгина, кўркам сартарошхона ёшлар хизматида. Телевизор тузатиш, пойабзал устaxonалари ишлаб турибди. Уч хонали ҳаммом қадимги ўзбекона услубда иситилди. Иссиқ супачаларга бир тоғора қайноқ сув уриб бир зум узала тушиб ётсангиз роҳат қиласиз, танангиз ҳар қандай дарддан фориғ бўлади.

Бу-ку бир вилоятнинг чекка қишлоғида

Муносабат

ҲАММОМ ЎРНИГА ДОРИХОНА

замонавий гўзаллик масканлари — ҳаммом, сартарошхона, уй жиҳозларини таъмирлаш, пойабзал ва соатсозлик устaxonалари қолиб фақат дорихонани тушунаётганликлари кишини таажжублантиради.

Ахир Тошкентимиз бир вақтлар ўзининг кунгираддор ҳаммомлари, бир-биридан гўзал чойхоналари ва ораста сартарошхоналари билан файзли эмасмиди? Шаҳримиз ўзининг ўша даргоҳ ва масканлари билан ҳам маълум ва машҳур эди-ку.

Яқинда юмуш юзасидан Қашқадарёда бўлиб, унинг бир хўжалигига бордик. Шунда ҳамроҳларимиз бизга ўша жамоага қарашли ҳаммомни кўрсатишди. Очиғи у ерга кириб ўзини бир қасрга келиб қолгандек ҳис этдим. Ранг-баранг нақшлар билан безатилган бу бино гўё мухта-

кўрган-кечирганимиз. Наҳот шундай катта Тошкентимизда шунақанги намунали қаср қуриш мумкин бўлмаса? Ахир бир вақтлар шахримизда (зилиладан олдин) бундай обидалар бир эмас, ўнлаб топиларди-ку. Биргина Эски шаҳарнинг ўзида учта шунақа ҳаммом мавжуд эди. Урдадаги ҳаммомнинг эса таърифи ҳали ҳам халқ оғзида юради. Нега бу даргоҳнинг сал нари-берисиди шунақанги бир «салобатли маскан» қурилмади? Нима, жой йўқми? Ҳали ҳам ўша ерда ҳаммом учун керак бўлган яйдок майдон эгасини топпмай ётибди.

Узоққа бормай Юнусободни олайлик. Шундай катта даҳада бирорта (кўзга кўринадигани у ёқда турсин) ҳаммомнинг йўқлигини нима билан исботлаш мумкин? Кишлоқ шаҳарга қўйилиши муносабати билан шу яқин ўртадаги ҳаммомлар бош-

қа маиший хизмат хоналарига айлантирилди. Булар ўрнига янгилари қурилмади. Ўша вақтда шу ҳудудда жойлашган Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалигининг ҳам яхшигина ҳаммоми бор эди. Унинг хизматидан ерлик аҳоли биноийдек фойдаланиб турарди. Кейинчалик у хусусий қилиб кимларгадир сотилди. «Баҳодир» ошёнига айлантирилди. Хуллас шундай кўркам ҳаммом исзис йўқолди.

Бизда онда-сонда бўлса-да қуриб-бузиш одати учраб туради. Бу ниманинг аломати? Шошма-шошарликми, келишмовчиликми? Хар қалай буниси бизга қоронғу. Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш даври ҳукм сурган дамларда қанча маблағ, ишчи кучи сарфлаб қурилган, орадан маълум муддат ўтиб-ўтмай бузиб ташланган хизмат хоналарини кўриб ичинг ачийди. Мана бир мисол. Амир Темур кўчасининг «Қозоғистон» кинотеатри бекатида бундан икки йил муқаддам дорихона, атторлик растаси қурилди. Янги бино ҳеч қанча ишламай туриб бузиб ташланди.

Хуллас гапирсак гап кўп. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, албатта бизга дорихона керак. Лекин гўзаллик масканлари — сартарошхона, ҳаммом, чойхона қуришларини ҳам унутмайлик. Саломатликнинг асосий манбаи бўлган бу масканлар қанчалик кўпайса ўз-ўзидан қимматлашиб бораётган дориларга эҳтиёж ҳам қамаяди, соғлом оилаларнинг сони кўпайиб, соғлом авлод шунчалик тез таркиб топади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



Тошкентнинг осмонўпар бинолари.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ЧАКАНАЛАБ СОТИШ ҚОИДАЛАРИ

I. УМУМий ҚОИДАЛАР

1. Мазкур қоидалар озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг айрим турлари (нон ва нон-булка маҳсулотлари, совуқ ичимликлар, гўшт ва сүт маҳсулотлари, тухум, маргарин, балиқ маҳсулотлари, газламалар, кийим-бош, радиотоварлар ва маиший электр товарларини чаканалаб сотиш соҳасидаги асосий талабларни белгилайди ва «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ушбу соҳада фаолиятни амалга оширувчи, мулкчилик шаклидан ва идо-равий бўйсунушидан қатъи назар, барча ҳужжалик юри-тувчи субъектлар (савдо корхоналари, хусусий тад-биркорлар)га татбиқ этилади.

2. Савдо корхонаси маҳсулотга амалдаги санита-рия қоидалари, стандартлар ва техник шартларга (кейинги ўринларда норматив ҳужжатлар) эга бўли-ши ҳамда уларда белгиланган талабларга риоя эти-ши лозим.

Товарларни чаканалаб сотиш қоидалари харидор-лар эътиборига, мулкчилик шаклидан қатъи на-зар, ҳар бир савдо корхонаси томонидан етказили-ши (савдо залига осиб қўйилиши ёхуд харидор тала-бига кўра кўрсатилиши) лозим.

3. Савдо корхонаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Респу-бликаси Қонунинда кўзда тутилган харидорнинг ҳуқуқла-рига сўзсиз риоя этиши шарт.

4. Сотиладиган ҳар бир гуруҳ товарларга, шу жум-ладан хорижий товарларга савдо корхонаси муво-фиқлик сертификати ёки унинг белгиланган тартиб-да тасдиқланган, маҳсулотнинг сифати ҳамда истеъмолчилар соғлиги ва ҳаёти учун хавфсизлигини тасдиқловчи нусхасига эга бўлиши шарт. Сотилади-ган товарлар сифати учун савдо корхонаси жавобгар бўлади.

5. Товарлар сотувини амалга оширувчи дўконлар, палаткалар, павильонлар ва лотоклар маҳсулотлар-нинг аниқ турига амалда бўлган нормаларга мувофиқ сифати ва миқдорини сақлашни таъминловчи зарур асбоб-ускуналар, механизация воситалари, инвентар-лар ва ўлчов воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Савдо корхоналари томонидан фойдаланиладиган тарози тошлари, тарозилар ва бошқа ўлчов асбоб-лари соз ҳолда сақланиши, аниқ-равшан тамгаларга эга бўлиши ҳамда амалдаги тартибга мувофиқ бел-гиланган муддатларда давлат текширувига берили-ши лозим.

6. Савдо корхонасида товарларни чаканалаб со-тиш барча фуқароларга умумий асосларда амалга оширилади.

Бир хил товарларни бошқаларини мажбурий со-тиб олиш шарти билан сотиш тақиқланади.

7. Савдо корхонаси сотиладиган товарларга тўғри расмийлаштирилган нархномаларнинг бўлишини таъминлаши ҳамда харидорнинг талабига кўра то-варнинг ишлаб чиқарувчиси асосий истеъмол хусу-сиятлари ҳамда нархлари тўғрисида тўлиқ ахборот бериши, харидорларга зарур даражада хизмат кў-рсатиши, товарларнинг тўла ўлчовда ҳамда оғирликда чиқарилишини таъминлаши лозим.

8. Харидор унга берилган товарнинг нархи, оғир-лиги ва ўлчови тўғрисидаги, шунингдек, маҳсулотни-нг сақланиш муддатларини (накладной, олинандиган варақалар бўйича) ҳамда ушбу товарга мувофиқлик сертификати мажбуриятини текширишга ҳақлидир.

Савдо залларида харидор учун қулай жойда назо-рат тарозилари ва бошқа ўлчов асбоблари ўрнатил-ган бўлиши лозим.

9. Товарлар учун харидорлар билан ҳисоб-китоб-лар харидорларга албатта чек берилган ҳолда назо-рат-касса машиналари воситасида амалга оширила-ди.

10. Харидор, агар унга сотилган чоғида келишил-маган бўлса, камчилиги бўлган товар сотилган тақ-дирда ўз танловига кўра қуйидагиларни талаб ки-лишга ҳақлидир:

ўхшаш марка (модел, артикул) даги зарур даража-даги сифатли товарга алмаштириш;
харид нархини тегишли равишда қайта ҳисоб-ки-тоб қилган ҳолда бошқа маркадаги (модел, артикул-даги) товарга алмаштириш;
товар камчиликлари текин тузатиб бериш ёки камчиликларини истеъмолчи ёхуд учинчи шахс томо-нидан тузатишга қўйиш учун харажатларни тўлатиш;
харид нархини миқдорга қараб пасайтириш;
келтирилган зарарларни тўлатиш шартномани бекор қилиш.

Харидорнинг кўрсатиб ўтилган талабларини кон-дириш савдо корхоналари томонидан «Истеъмолчи-лар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекист-он Республикаси Қонунининг 7-18, 22-моддаларига мувофиқ амалга оширилади, бунда маънавий зарар-ни қоплаш миқдори суд томонидан белгиланади.

11. Мавсумий товарлар (кийим-бош, пойабзал ва бошқа маҳсулотлар) учун эътироз аризалари мудда-ти тегишли мавсум кирган вақтдан бошлаб ҳисобла-нади.

12. Чакана савдо тармоғида сотилган мазкур Қои-даларда кўрсатилган тегишли сифатдаги ноозиқ-ов-қат товарларини айирбошлаш ёки улар учун тўлан-ган пулни қайтариш «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳи-моя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қо-нунига мувофиқ амалга оширилади.

13. Харидор унинг айби билан шикастланган ёки йўқ қилинган товар ва мол-мулк қийматини савдо корхонасига тўлаши лозим.

II. НОН ВА НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИ

14. Нон ва нон-булка маҳсулотлари сотувини амал-га оширувчи савдо корхоналарида белгиланган иш соатларида ассортимент рўйхатида назарда тутилган ассортиментдаги нон ва нон-булка маҳсулотлари бў-лиши лозим.

Ихтисослаштирилган нон дўконининг савдо зали-да ёки нон маҳсулоти савдосини амалга оширувчи бўлимда қўринарли жойга маҳсулотнинг тайёрловчи-лари, олиб келиш жадваллари, нон маҳсулотларини сотиш муддатлари, пархезбон нон маҳсулотлари ва янги турдаги маҳсулотларнинг хусусиятлари тўғриси-даги маълумотлар бўлиши лозим.

15. Нон ва нон-булка маҳсулотларини қабул қи-лишда сотувчи маҳсулот сифатини органолептик кўр-саткичлар бўйича ҳар бир маҳсулот вазнининг маҳсу-лотнинг аниқ турига амалда бўлган меъёрий ҳужжат-ларга мувофиқлигини текшириши лозим. Бузилиш-лар аниқланган тақдирда маҳсулот тайёрловчига қайтарилади.

Етказиб берувчининг ёндаш ҳужжатида ушбу то-варлар тўғрисида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳи-

моя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қону-нининг 5 ва 6-моддаларида назарда тутилган тўлиқ маълумотлар бўлиши лозим.

16. Ихтисослаштирилган ва фирма нон-қандолат дў-конларида ва бошқа дўконларнинг нон бўлимларида нон, нон-булка маҳсулотлари ва қандолатчилик маҳсу-лотларидан ташқари шакар, чой, кофе, какао, ун, ёр-ма, макарон маҳсулотлари, болалар овқати учун куруқ маҳсулотлар, озиқ-овқат концентратлари, кафетерийга эга бўлган дўконларда эса шунингдек, иссиқ ҳолдаги хамир ва қандолатчилик маҳсулотлари сотилиши мум-кин.

17. Нон ва нон-булка маҳсулотларининг тандирдан чиққандан кейин сотувда бўлиши мумкин бўлган му-ддатлари маҳсулотнинг ҳар бир турига фақат норматив-техник ҳужжатларга мувофиқ белгиланган тартибда белгиланади.

18. Харидорлар хоҳишига кўра оғирлиги 0,4 кг ва ундан ортиқ бўлган нон ва нон-булка маҳсулотлари (ўралганларидан ташқари) 2-4 тенг бўлақларга кесили-ши ва тарозида тортилмайдан сотилиши мумкин.

19. Амалдаги стандартлар, техник шартлар талаб-ларига мувофиқ бўлмаган, шунингдек, нотўғри сақлаш туфайли бузилганлиқ белгилари бўлган нон ва нон-булка маҳсулотларини сотиш тақиқланади.

Харидорлардан пул қабул қилувчи шахслар томони-дан нон маҳсулотларининг сотилишига йўл қўйилмайди.

Сифатсиз (ғарч-ғурч қилган, куйган, ичи бўш, яхши қорилмаган, бошқа нарсалар аралашган) нон ёки нон маҳсулотлари сотилган тақдирда корхоналар ходимла-ри харидор талабига кўра уларни сифатлисига сўзсиз алмаштириб беришлари ёки пулни қайтаришлари ке-рак. Харидорлар томонидан қайтариб берилган нон ва нон-булка маҳсулотлари санитария жиҳатдан яроқсиз ҳисобланади.

20. Нон ва нон-булка маҳсулотларини сақлаш ва со-тиш жараёнида уларда картошка касаллиги белгилари аниқланган тақдирда сотувчи бу ҳақда маҳсулот етказ-иб берувчига дарҳол хабар бериши керак. Зарарлан-ган маҳсулотлар сотувдан чиқарилади ва амалдаги қои-даларга мувофиқ йўқ қилинади. Нон маҳсулотларининг картошка касаллигига чалинганлиги ва уларнинг йўқ қилинганлиги ҳақидаги далолатнома белгиланган тар-тибда тузилади.

Картошка касаллигига чалинган маҳсулот сақланган тоқчалар, шафкалар, лотоклар, идишлар, картошка ка-саллигининг олдини олиш бўйича йўриқномага муво-фиқ белгиланган тартибда зарарсизлантирилади.

III. СОВУҚ ИЧИМЛИКЛАР

21. Алкоголсиз ичимликлар (маъданли сувлар, шир-ин ичимликлар, квас, сироплар, газли ичимликлар, шарбатлар ва бошқалар) билан чакана савдо қилиш:

бу маҳсулотларни сотишга ихтисослаштирилган дў-конларда, мева-сабзавот ва вино-ароқ дўконларида, озиқ-овқат дўконларининг бўлими ва секцияларида; майда чакана савдо тармоғида — павильонларда, дўконларда, палаткаларда, автоматлар, автотермоцист-терналар, сатуратор қурилмалари орқали Давлат са-нитария назорати органлари томонидан рўхсат берил-ган жойларда амалга оширилади.

Шифобахш маъданли сувлар Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги томонидан белгиланган талабларга риоя қи-линган ҳолда дорихоналарда ҳам сотилади.

22. Ичимликларни идишга қуйиб сотувчи корхоналар етарли миқдорда ўлчов аппаратлари, амалдаги давлат белгилари бўлган ҳажми 0,25 ва 0,5 литр бўлган ўлчов-ли шиша кружаларда ва бошқа ҳар хил ҳажмдаги ўл-чов идишлари билан таъминланади. Идишларни ювиш учун албатта шарт-шароит бўлиши лозим.

23. Савдо ташкилотлари томонидан алкогольсиз ичим-ликларни миқдори ва сифати жиҳатидан қабул қилиш стандартлар, техник шартлар, шунингдек шартномалар-га мувофиқ амалга оширилади.

24. Ичимлик қуйилган шишаларда тасдиқланган на-мунадаги этикетка бўлиши лозим, унда қуйидаги маълум-отлар кўрсатилади:

ичимлик номи;
товар белгиси ёки тайёрлаган корхона номи ва ман-зили;
шиша ҳажми;
стандарт рақами;
қуйилган вақти ва яроқчилик муддати.
Қиздирилган пиво этикеткасида қўшимча равишда «Қиздирилган» ёзуви бўлиши керак.

25. Импорт қилинган ва ватанимизда ишлаб чиқа-рилган маҳсулотларнинг албатта мувофиқлик серти-фикати бўлиши лозим.

26. Мазкур қоидаларни бузган ҳолда маҳсулотни қа-бул қилган савдо ходимларига маъмурий жазолар қўл-ланилиши, такроран бузилган ҳолларда материаллар тергов органларига берилиши мумкин.

27. Алкоголсиз ва кам алкогольли ичимликлар те-гишли стандартлар ва техник шартларга мувофиқ бел-гиланган муддатлар доирасида ҳавонинг нисбий на-млиги 75 фоиздан ошмаган, шамолтиладиغان куруқ ва қоронғи хоналарда сақланади.

Айрим алкогольсиз ва кам алкогольли ичимликларни сақлашнинг муддатлари ва ҳарорат режими алоҳида ҳар бир маҳсулотнинг меъёрий-техник ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим.

28. Шишадаги, бутилкадаги, банкадаги, лакланган алюминий тублардаги ичимликлар баландлиги 2 метр-дан ошмаган штабеллар билан жойланган завод яшик-лари ва саватларида сақланади.

29. Маъдан сувли шишалар ёрдамчи биноларда тоқ-чаларда, штабелларда ёки яшиқларда сақланади. Бун-да пўстлоқ прокладка қўйилиб крон қопқоқ билан ёпил-ган шишалар ётқизилган ҳолда, полиэтилен прокладка қўйилиб крон қопқоқ билан ёпилган шишалар тик ҳол-да сақланади.

30. Алкоголсиз ва алкогольли ичимликлар савдо за-лида турлари ва номлари бўйича жойлаштирилади. Шафкаларга, пештахталарга, териб жойлаштирилган ичимликли шишалар тик ҳолда этикеткаси харидор то-монга қаратиб жойлаштирилади.

IV. ГЎШТ ВА СҮТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ТУХУМ, МАРГАРИН, БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ

31. Савдо ташкилотлари гўшт ва сүт маҳсулотлари-ни, тухум, маргарин, балиқ маҳсулотларини ҳам савдо ташкилотларининг, ҳам саноат корхоналарининг улгур-жи базалари ва омборларидан, шунингдек дехқон (Фер-мер) хўжалиқларидан олади.

32. Сотувчиларнинг иш жойи савдо бошланишидан олдин дўконда мавжуд бўлган барча товарлар билан таъминланади. Савдо залига олиб келинган товарлар сифати бўйича синчиклаб текширилади ва сортларга ажратилади.

Озиқ-овқатлар савдо залига олиб келинишидан ол-дин сотишга тайёрланади (идишдан чиқарилади, ўрал-

ган қоғозлар олиб ташланади, иглар кесиб ташланади, ифлосланган, шамолланган жойлари тозаланади, ёг-ларнинг сарғайган жойлари, колбасалар, пишлоқлар латта билан артилади).

33. Сотувчилар сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотла-рининг сифатини кузатиб боришлари ва уларнинг си-фати ёмонлашган тақдирда уларни сотиш ёки уларни-нг чакана нархини пасайтириш масаласини ҳал қилиш учун маъмуриятга хабар беришлари лозим. Сақлаш му-ддати тугаган тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари савдодан олинди. Тухум унинг сифати овосконда ол-диндан текширилган ҳолда сотилади. Тухумни ўралма-ган озиқ-овқат маҳсулотлари (саригёғ, творог, колбаса ва бошқалар) билан биргаликда сотишга йўл қўйил-майди.

34. Савдо корхонасида дудланган маҳсулотларни, колбаса маҳсулотларини, саригёғни, пишлоқ ва марга-ринни бир кунлик савдо ҳажмида қадоқлашга йўл қўйи-лади.

Дўконда қадоқланган маҳсулотда унинг номи, сор-ти, оғирлиги, бир килограммининг нархи, бир бўлагини нархи, қадоқланган вақти, сотиш муддати, таро-зибонинг тартиб рақами ёки фамилияси кўрсатилади. Қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотлари Ўзбекистон Рес-публикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рух-сат берилган қоғозга, плёнка материалларига ўралади.

35. Харидорга гўшт, гўшт маҳсулотлари, пишлоқ ва овқатбоб балиқларни кесмасдан сотишда харид умумий оғирлигининг 10 фоизидан ошмайдиган икки бў-лакка қўйишга йўл қўйилади. Бўлақлар сотилаётган товар сортига ва сифатига мос келиши лозим.

Харидор илтимосига кўра сотувчи гастроном товар-лари (колбаса, ветчина, пишлоқ, балиқ маҳсулотлари ва бошқалари) бўлақларга кесиб бериши керак, шу-нингдек санитария-гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда харидорга маълум бўлмаган товарнинг таъминини қўришга бериши лозим. Бир пичоқ билан пишлоқ ва бошқа гастроном товарларини кесмига йўл қўйилмайди.

36. Парранда гўшти бутунча ёки: товук ва ўрдак — бўйига 2 бўлакка, ғоз ва қурка — 2, 4, 6 ва 8 бўлакка бўлиб сотилади.

37. Илври, ливер колбасалари ва сотиш муддати чекланган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини санита-рия-эпидемиология назорати органлари билан кели-шилган ҳолда фақат дўконларда сотишга йўл қўйил-ди.

38. Озиқ-овқат маҳсулотларини тортиш ва сотишда қўлланиладиган асбоблар (пичоқлар, санчиклар, курак-чалар ва бошқалар) санитария қоидаларига мувофиқ ҳар кун зарарсизлантирилиши ва бунинг учун махсус ажратилган жойларда сақланиши лозим.

39. Харидор томонидан камчилиги бўлган озиқ-ов-қат маҳсулотлари харид қилинган тақдирда сотувчи ха-ридор талабига мувофиқ уларни сифатли маҳсулотга алмаштириб бериши ёки камчиликлар яроқчилик му-ддати доирасида аниқланган бўлса, унга тўланган пулни қайтариб бериши керак.

V. ГАЗЛАМАЛАР, КИЙИМ-КЕЧАК, ПОЙАБЗАЛ

40. Газламалар, кийим-кечак, пойабзал савдо за-лига берилгунча қадар сотуволди тайёргарлигидан ўтиши лозим. Сотуволди тайёргарлиги маҳсулотларни очиб олиш, саралаш, уларнинг сифатини, маркалашганлиги мавжудлигини, нархларнинг тўғрилигини текшириши ўз ичига олади, зарур бўлган тақдирда кийим-кечак-ларнинг айрим турлари (тикувчилик ва трикотаж маҳ-сулотлари) тозаланади ва дазмолланади.

41. Савдо залида харидорларга қулай бўлиши учун газламалар, кийим-кечак, пойабзал гуруҳларга бўлин-ган бўлиши лозим. Кийим-кечак ва пойабзал асосан турлари, моделлари, ўлчамларига қараб гуруҳларга бў-линади. Ихтисосланишидан қатъи назар, эркаклар, аёл-лар, болалар кийим-кечак ва пойабзаллари савдо за-лида алоҳида жойлаштирилади. Газламалар улар тайёр-ланган толалар тури ва навига қараб гуруҳланади. Газ-ламаларнинг ҳар бирида тайёрланган толаларнинг тар-кибидаги фоизи тўғрисида ахборот бўлиши лозим.

42. Савдо залида газламалар, кийим-кечак, пойаб-залларни жойлаштириш чоғида харидорларнинг товар-ларни эркин қўздан кечиришини таъминловчи савдо ускуналаридан фойдаланилиши лозим.

43. Савдо залида жойлашган газламалар, кийим-ке-чак, пойабзалларнинг барча намуналари бир хил наму-надаги, аниқ ва чиройли расмийлаштирилган нарх кўр-саткичларига эга бўлиши лозим.

44. Кийим-кечак (тикувчилик маҳсулотлари, устки три-котаж маҳсулотлари, бош кийимлар) ва пойабзал та-налада харидорга кийиб қўриш учун шароитлар яратил-ган бўлиши лозим. Ушбу мақсадларда савдо заллари ойнали кийиб қўриш хоналари билан таъминланади, банкеткалар ёки скамейкалар, қўйгичлар, ойналар би-лан жиҳозланади.

45. Сотиш чоғида харидорга жун газламалар, ватин-лар ва оғир ҳажмли газламаларни ўлчаш амалдаги там-гага эга бўлган бруксли ёғоч метрни (пештахта) столда йиғилиб қолмаган ҳолда эркин ётган газламага қат-тиқ стандартли метрни қўйиб йўли билан амалга оши-рилади. Юпка ва енгил газламалар одатда каттик стан-дарт метр билан газламани уни метрга қўзилишсиз эр-кин илова қилиб газламани пештахтага ёйиш йўли би-лан ўлчанади.

Жун газламалар ва трикотаж полотноларидан таш-қари газламаларнинг барча турларини ўлчашни газла-мани амалдаги тамғаси бўлган горизонтал ҳолдаги ўл-чов столига ётқизиш йўли билан амалга оширишга ҳам рухсат этилади. Стол узунаси йўналишида 1 м узун-ликдаги участка белгиланган бўлиши лозим. Столнинг усти майин ва тенг бўлиши керак.

Сотувга газлама кийимларини қўйиш, шунингдек фабрикада ишланганлиги ёки астар томонига қўйилган тамғаси бузилган тақдирда газлама бўлақларини фаб-рика ёрлиги ва тамғаси (охирги қисми) билан сотиш ман этилади.

46. Сотувчи харидорга газлама, кийим-кечак, пойаб-зал танлашда ёрдам кўрсатиши, сотувда бўлган маҳсу-лотлар ассортиментини, уларни сақлаш усуллари билан таништириши, зарур бўлганда маҳсулотлар, ёрликлар, этикеткалардаги рақамли белгиларни тушунтириши ло-зим. Газламаларни сотиш чоғида харидорнинг илтимо-сига кўра сотувчи турли тикув маҳсулотлари тайёрлаш учун зарур бўлган газлама миқдорини аниқлаш, тегиш-ли андозани танлашда ёрдам бериши лозим.

47. Савдо корхоналари газлама, кийим-кечак сотиш-да харидорларга дўконда харид қилинган кийим-кечак-ни қайта тикиш (буюмларни қисқарттириш ёки узайти-риш, тугмаларни қайта жойлаштириш, бош кийимлар-ни тортиб кенгайтириш), газламаларни бичиш каби ко-мплекс қўшимча хизматлар кўрсатиши мумкин.

48. Харидорга асосий тўлд билан бирга маҳсулот-ни сақлаш ёки гардеробни тўлдирш учун мўлжаллан-ган ёндаш товарлар харид қилиш имконияти берилиши лозим.

49. Сотувчи, назоратчи харидорга газлама, кийим-кечак, пойабзал сотилиши чоғида унинг иштирокида товар сифатини (механик бузилишлар, ифлосланиш, бошқа ташқи камчиликлар), ўлчовнинг (миқдорнинг) аниқлиги, харид қиймати ҳисобининг тўғрилигини тек-ширишлари лозим.

Сотиш жараёнида қўпол камчиликлари аниқланган товар сотувдан олиб қўйилади.

50. Газлама, кийим-кечак, пойабзал харидорга қў-шимча тўлов ундирилмаган ҳолда қоғозга, кутига ёки бошқа тахлаш материалга солиб берилади.

51. Харид билан бирга харидорга мажбурий тар-тибда савдо корхонаси рекевизитлари, сотилган кун, нарх кўрсатилган касса ёки товар чеки берилади.

VI. РАДИОТОВАРЛАР ВА МАИШЕЙ ЭЛЕКТР ТОВАРЛАР

52. Радиотоварлар ва маиший электр товарлар сав-до залига ёки харидни бериш жойига ўтказилгунча қа-дар савдоолди тайёргарлигидан ўтказилиши лозим.

Савдоолди тайёргарлиги маҳсулотни очиб, завод мойларини, чанглари, қириндиларни тозалаш, бут-лигини ҳамда зарур бўлганда унинг йиғилишини тек-шириш, шунингдек маҳсулот сифатини, нархнинг тў-ғрилиги, марканланганлиги, фойдаланиш йўриқнома-ларининг ва қафолат талонларининг мавжудлигини тек-ширишлари ўз ичига олади.

Бутланган ва техник жиҳатдан мукаммал терилган маҳсулотлар электр тармоғига улаб текшириб қўри-лади. Тикув машиналарининг ишлаши текширилади, радиоаппаратлар эса бошқарилади ҳамда мослана-ди.

53. Паст сифатли, бутланмаган ёки ифлосланган товарларни, йўриқномаларсиз, паспорт ва қафолат талонларисиз маҳсулотларни сотиш тақиқланади.

54. Савдо зали ва ойна витриналарида жойлашган радиотоварлар ва маиший электр товарларнинг бар-ча намуналарининг маҳсулот номи, унинг маркази, ар-тикули ва нархи кўрсатилган, шунингдек маҳсулотни-нг асосий техник хусусиятларини ўз ичига олувчи қисқа аннотацияси бўлган аниқ расмийлаштирилган ёрлиги бўлиши лозим.

55. Харидорлар томонидан товарларни танлаш ва уни текшириш учун савдо залида электр ўлчаш ва синов асбоблари (шитлар ёки пульта) ўрнатилади.

56. Радиотоварлар ёки маиший электр товарлар сотувчиси айрим маҳсулотларнинг тузилиши, ажра-либ турувчи белгилари, мақсади, хусусиятларини, уларни амалда синаб қўриш методларини, тутиш усул-лари, сақлаш режими биллиши, маҳсулотларнинг асосий камчиликларини аниқлаб олиши, товарлар те-гишли гуруҳларнинг ассортименти ва уларнинг ўза-ро ўринларини босишини, нархлар ҳамда товарлар тўғрисидаги бошқа маълумотларни яхши билиши, ха-ридорларга малакали ёрдам бериши лозим.

57. Радиотоварлар ва маиший электр товарларни-нг айрим турларини сотишда сотувчи харидорни сав-дода мавжуд бўлган ҳамроҳлик қилувчи товарлар ва эҳтиёт деталлари тўғрисида хабардор этиши лозим.

58. Сотувчи (механик, назоратчи) товарни сотувчига чиқаришда унинг иштирокида товар сифатини (ташқи кўринишини қўриб чиқиш, электр тармоғига улаш йўли билан), қисмларга ажратилган ҳолда сотиладиган б



Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳокимлик шафелигида «Наврўз» хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими, «Меҳр-шафкат ва саломатлик», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Болалар» жамғармалари ҳомийлиги ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида катта хайрия тадбири ўтказилди.

Ҳокимлик биноси олдидидаги майдончада карнай, сурнай, нора садолари атрофдагиларни суннат тўйига қорлай бошлади. Шаҳримизнинг барча туманларидан зарчопон, уқпарли дўппи билан байрамона ясанган тўй болалар оналари ёки бувилари билан келишарди. Улар 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган, ё отасиз, ё онасиз, бувилари ёки қариндошлари кўлида тарбияланган ҳам 57 болалар эди. Тўй болаларнинг карнай-сурнай навоарида йўрилган рақсларидан сўнг барча дастурхон тузатиш кенг ва муҳташам кошонага тақдир этилди.

Кечани Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳамжон Миржалилов очиб, тўй болаларни Наврўз байрами, Қурбон ҳайити ва суннат тўйлари билан табриқлади. Сўнг 57 тўй боланинг ҳар бирига 2 минг сўмлик янги очилган имтиёзли

омонат дафтарчаларини тақдим қилди. Шундан сўнг суннат тўйи баъзи бошланди. Машҳур хонанда,

етишиши шубҳасиздир. Тўй давомида болаларни бу ерга олиб келган яқинларидан айримлари

окибатли одамларимиз мурувватидан қониб улгаймоқда. Ҳукуматимизнинг биздек оналарга, кўнгли ярим гўдакларга кўрсатаётган ғамхўрлиги бу йилнинг Оила йили эканлигини, бунда давлатимизнинг асосий эътибори оилаларнинг моддий жиҳатдан фаровонлигини, маънавий юксалишини таъминлашга қаратилганини яна бир бор тасдиқлайди.

— Биз Сергели туманида турамиз, — деди татар миллатига мансуб аёл. — Ўғлим Саидамални ёлғиз тарбия қилман, у яқинда беш ёшга тўлди, отаси вафот этган. Саидамалнинг бугунги қувончини кўриб кўзимга ёш келди. Яхшиямки, биз одамлари меҳр-мурувватли, бир-бирига оқибатли, тинчликсевар, байраму тўйлари кўп, юртбошиши одил мамлакатда истиқомат қиляпмиз.

Кеча сўнггида «Наврўз» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Калон Шодиев суннат тўйлари бўлаётган болаларнинг ҳар бирига тўй ҳомийларининг совғалари — самокат, ўқувчилар папкаси, ўқув қуроллари мажмуи, ширинликлар, кийим-кечакларни топширди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.
СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган катта хайрия тадбиридан лавҳалар.
Рашид Галиев олган суратлар.

ЎКСИК ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ



созанда, раққосалар маҳорати барчага тўй кайфиятини улашди.

— Дили ўксик, меҳрга муҳтож одамларга мурувват кўрсатиш халқимизнинг асосий шиори бўлиб келган, — деди «Меҳр-шафкат ва саломатлик» жамғармаси раиси Шабоб Хўжаев. — Бундай ишлар инсонлар ўртасидаги оқибатни, меҳр-шафқатни кучайтириш, қолаверса савоб топиш учун қилинган. Ушбу хайрия тадбири ҳам шу мақсадни кўзлаган. Бугунги қилинган яхшилик эртага юз чандон бўлиб қайтиши, мана шу 57 та тўй бола эртага юртимизнинг муносиб ўғлонлари бўлиб

ни суҳбатга тортдик. Улардан бири Юнусобод туманидаги «Чоштепа» маҳалласида истиқомат қилувчи Фарида Муҳиддинова.

— Мен саккиз фарзандни тарбиялаб уйли-жойли қилдим, неваря қиз узатдим, — дейди Фарида ая. — Болаларимнинг барчаси юртимиз равақати йўлида меҳнат қилишяпти. Бу ерга 8 ёшли набирам Дилшоджон билан келдим. Уни қизим билан бирга тарбиялаётган. Дилшоджоннинг ва танпарвар, баркамол, меҳнатсевар инсон бўлиб етишишига ишонаман. Чунки у нафақат она меҳридан, балки юртимиз,

қа вилоят ё ўлкада яшайдиган ёшлар ўқиш ё иш юзасидан учрашадилар-да, бир-бирларини ёқтириб қолиб, турмуш қуришади. Унинг насли-насаби суриштирилмайди. Қарабсизки, олди олдинши мумкин бўлган кўпгина тўғма касалликлар, аксинча, кўпайиб боради. Бундан ташқари аёлларимиз ҳоми-

гини, маймоқлик, оёқ ва қўл калталигини) шол ва бошқа хасталиклар асорати, суякларнинг синиши натижасида юзага келади. Қўл қийиқлиги, калталиклари бир босқичда тўғрилаш мумкин. Бундай ҳолат жуда кўп вақтни талаб қилади. Шу муносабат билан компрессион-дистракцион аппаратнинг янги турини ишлаб чиқдик. У бошқаларга кўра бир қанча қулайликларга эга. Бу аппарат ёрдамида юқорида келтирилган касалликларни бир маҳалда, оғриқсиз тўғрилаш мумкин бўлади. Бизлар ишлаб чиқарган компрессион-дистракцион аппарат икки ҳалқада бир-бирининг ичига жойлашган ва бир-бирига тишлар орқали боғлангандир. Ички ҳалқани ташқи ҳалқага нисбатан махсус қалиб ёрдамида чап ва ўнг томонга айлантириш мумкин. Беморнинг қўл, оёқ қийиқлигини, калталиги ҳамда буралиб кетган ҳолатини мазкур аппарат ёрдамида аста-секин оғриқсиз тўғрилаш мумкин.

— Бу аппаратнинг Илизаров томонидан яратилган қурилмага нисбатан устунлиги бор экан. Бундан қачон ва қаерларда қўллаш мумкин?

— Барча ортопедия ва травматология бўлимида қўлланилиши мумкин. Бунинг учун аппаратлар сони кўпайтирилиши керак. Биз хасталикни даволашдан кўра унинг олдини олиш учун ҳаракат қилишимиз муҳимроқ.

Суҳбатни Насиба ҲОЖИМУРОД қизи ёзиб олди.

Инсон — табиатнинг олий махсули. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, болаликдан оғир хасталикка дучор бўлганлар ҳам учрайди. Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари ногиронларини даволаш марказининг бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Абдукарим Облаклов билан суҳбатини ногирон болаларни даволаш муаммолари ҳусусида бўлди.

— Ачинарлиси шундаки, болаларда учрайдиган тўғма маймоқ касалликларининг келиб чиқишида кўпроқ ўзимиз айбдормиз, — дейди шифокор. — Турмуш қураётган ёшларнинг қонлари бир-бирига нисбатан қанчалик узоқ бўлса, тўғилажак заурривд соғлом ва бениқсон бўлади. Биз эса қариндошчиликка руж қўйганмиз. «Синашта бўлган, яхши яшаб кетади, уйим-жойим дегувчи, оқ кўнгли...» деймиз дунё юзини кўражак гўдакнинг тақдирига бефарқ қараймиз. Қариндошчилик оқибатида келиб чиққан касаллик бўлса-да «Оллоҳнинг иродаси» деб қўя қоламиз...

— Қадимда бу каби касалликлар ҳам учраган. Ҳозир эса улар нисбатан кўпайганлигининг сабаби нимада?

— Қадимда ёшларнинг турмуш қуришларида ҳар икки томоннинг тағи-тахти, насл-насаби сураб-суриштирилишига катта эътибор берилган. Ҳозир эса бошқа-бош-

АСОРАТИ ЮРАКНИ ЭЗМАСИН

ладорлик пайтларида ниҳоятда асабларини асрашлари, тоза ҳавода сайр қилишлари, қувноқ ва эркин бўлишлари лозим. Аёлларимиз ҳомиладорлик пайтларида истеъмо қиладиган озиқ-овқатлари дармондориларга бой бўлиши керак. Камқонлик ҳам турли хасталикларга олиб келади. «Болани она қорнидалигидаёқ тарбиясини бошлаш керак» деган гапда ҳислат кўп эканини унутмаслик керак.

— Ҳозирги даврда ортопедик ва травматологик касалликларни даволашда ҳар хил аппаратлар кенг қўламда қўлланоқда. Шундай аппаратларга муносабатингиз қандай?



— Гапингиз тўғри, лекин бу аппаратлар ёрдамида қўл ва оёқларда учрайдиган тўғма (билак, елка суяклари, оёқ суяклари касалли-

ДОНИШМАНДЛАР ШАХМАТ ҲАҚИДА

Шахмат назарияси билан илмий изланиш ишлари асосан XVI асрда дастлаб Испанияда, сўнг-ра Италия, Франция ва Англияда бошланган. Лекин шуниси қизиқки, шахмат руҳияти ҳақидаги фикрларни 500 йил аввал Шарқ мамлакатларида, кейинчалик эса бутун дунёга машҳур бўлган «Қобуснома» китобида учратиш мумкин. Китобдан жой олган «Илмларни эгаллаш ва бойитиш», «Ов қилиш қоидалари», «От сотиб олиш ҳақида» деб номланган тартиблар орасида «Ҳазил-муйтойба», «Одамлар ва шахмат (шатранж) ўйнаш ҳақида» деган махсус бўлимнинг борлиги ҳам диққатга сазовордир. Китобда шахмат ўйини ва унинг ўзига хос қоидалари ҳақидаги ўғитлар бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган, албатта. Унда жумладан шундай дейилган: «Ўйин бошланишидан аввал ҳеч қачон биринчи бўлиб дона ташлашга шайла. Бу ишни ҳурмат юзасидан рақибингга ҳавола эт ва доимо уни биринчи бўлиб юришга тақлиф эт. Аёллар, муттаҳамлар, ёлғончилар ва болалар билан, ўзини тутат билмайдиغانлар билан асло пулга ҳеч қачон шахмат ўйнама. Ўзингни яхши ўйинчи деб ҳисобласанг ҳеч қачон жиззакки, енгилтак, арақхўр, орсиз, пасткаш одамлар билан асло шахмат ўйнама. Акс ҳолда кўп ўтмай ўзинг ҳам улар қаторига қўшилиб қоласан. Имкони борида ўзингдан кучли, обрў-эътиборли одамлар билан ўйнашга ҳаракат қил». «Қобуснома» муаллифининг бу фикрлари унинг хитойлик замондоши доғишманд Ван Цзюнь Юянинг қуйидаги фикрларига жуда яқин: «Ўзидан кучсизроқ шахматчини излаб топиш (ютиб олиб, кайфу сафони қилиб юрвчи назарда тутилмоқда) ёмон шахматчининг илминидан бошқа нарса эмас». Кайковус ўғлига насиҳатларидан бирида доимо ақл-идрок билан иш тутишга, жумладан ҳеч қачон «пулга шахмат ўйнамаслиққа» даъват этади. Бундай ишни у тўғридан-тўғри тарбиясизлик деб айтади. Донишманднинг бу фикрига биз ҳам юз фоиз қўшилишимиз ва аjoyиб китобнинг юқорида парчалар келтирилган бобига нарда ва шахмат билан ҳазил-муйтойбани бир жойда ишлатгани боисини ечишга ҳаракат қиламиз. «Билиб қўй, ўғлим», деб ёзади Кайковус, — ўз ўрнида ишлатилмаган ҳазил жоҳилликка етаклайди. Агар илож топ-

Анвар ИНОҚОВ,
«Шахмат бўйича спорт усталигига номзод»

Иккала масалада ҳам оқлар бошлаб дурангга эришади.



Турфа олам

АЁЛЛАРГА ЯНА ҚОРАМИ?

Биринчи марта аҳолини ҳисобга олиш эрамизгача бўлган уч мингта йил қадимий Мисрда ўтказилган. Кейин Хитой, Бобил, шунингдек Рим ва Грецияда ҳам одамларни санаган. Ундан асосий мақсад, аскарликка олиш учун ҳам бақувват, ҳам ёш эркекларни танлаш эди. Аммо ақсариёт санокчилар саводсиз бўлганлиги сабабли улар бир қўлга оқ қоп, иккинчи қўлга қора қоп олиб юриб, ҳисобга олиш жараёнида оқ қопга оқ тош, қора қопга қора тош солишган. Оқ тош эркек, қора тош аёл киши билдирган.

ХОРИЖИЙ «ФУҚАРОЛАР»

Монако ва Исроилда ўз элларига нисбатан хорижий мамлакатларда туғилган фуқаролар кўп экан. Масалан, Монакода яшовчиларнинг 60 фоизи чет элларда, айниқса, Франция ва Италияда туғилган. Исроил фуқароларининг эса 62 фоизи чет элларда дунёга келган.

Қидирбой ТўЛАБОВЕВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«Эски Жўва бозори» очик турдаги акционерлик жамиятининг кузатув кенгаши шуну маълум қиладики, жамият акционерларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши 19 май кун соат 10.00 да жамият Бошқарувининг идорасида ўтказилади.
Манзил: Шайхонтохур тумани, Бозор майдони, 28-уй.
Акционерларнинг реестри 17 апрель кун ифолади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Ҳисоб комиссиясини сайлаш.
2. Умумий йиғилишнинг иш тартибини тасдиқлаб олиш.
3. Жамият молиявий-ҳўжалик фаолиятининг 1997 йил натижалари ҳақида Бошқарув раисининг ҳисоботи ҳамда 1998 йил истикболлари тўғрисидаги маърузаси.
4. 1997 йилнинг натижалари ҳақида бош ҳисобчи ахбороти.
5. Жамиятнинг 1997 йилги молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудиторлик текширувининг ҳулосаси.
6. Дивидендларни тасдиқлаш ва уни тўлаш тартиби.
7. Жамият низомини янги тахрирда тасдиқлаб олиш.
8. Жамиятнинг Бошқариш ҳуқуқини бошқариш компаниясига ёки хусусий тадбиркор-бошқарувчига бериб шартнома тузиш.
9. Акционерларнинг умумий йиғилиши ваколатларини жамият кузатув кенгашига бериш ҳақида.
10. Жамият йиллик балансини ва 1998 йил учун харажатлар рўйхатини (сметасини) ва фаолият режаларини тасдиқлаш.
11. Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
12. Тафтиш комиссиясига ўзгартириш киритиш.
13. Тафтиш комиссиясининг Низомини тасдиқлаб олиш.
14. Ҳар хил масалалар.

Йиғилиш бўйича тайёрланган барча ҳужжатлар билан акционерлар жамияти идорасига мурожаат этган ҳолда танишиш мумкин.

Жамият баланси «ИН-КОР» аудит-маслаҳат фирмаси томонидан текширилган.

«Эски Жўва бозори» ОТХЖ

1998 йил 1 январга бухгалтерлик БАЛАНСИ АКТИВ

1. Узоқ муддатли активлар

Асосий воситалар		
бошланғич (қайта тиклаш) қиймат (01, 03)	010	334880,9
эскириш (02)	011	22514,6
қолдиқ қиймат 010-100	012	312366,3
Капитал қўйилмалар (07, 08)	030	96794,8
1-бўлим бўйича жами	110	409161,1

Оборот активлари		
Ишлаб чиқариш заҳиралари (10, 11, 12-13, 15, 16)	120	1490,4
Олиб сотиладиган товарлар (41-42)	150	2190,4
Пул маблағлари (51, 55, 56, 57)	170	4430,1
Диторлар:		
— харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашиллар (09, 45, 62-82)	220	1147,2
— таъсисчилар билан ҳисоблашиллар (75)	280	100,0
— бошқа диторлар (63, 71, 76)	290	416,2
2-бўлим бўйича жами	300	9774,3
Балансининг активи бўйича жами 110+300	310	418935,4

ПАССИВ		
Ўзлик маблағларнинг манбалари		
Устав капитали (85/1)	320	386171,2
Резерв капитали (85/3)	340	2586,9
Таксимланган фойда (87)	350	5190,1
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар (89)	370	181,3
1-бўлим бўйича жами	390	394129,5

МАЖБУРИЯТЛАР		
Кредиторлар:		
— бюджет бўйича қарзлар (68)	460	3099,9
— меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (70/1, 70/2)	470	434,6
— ижтимоий сугурта ва таъминот бўйича қарзлар (69)	480	360,5
— бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (67)	500	10,5
— шўъба корхоналарига қарзлар (78)	510	17744,2
— бошқа кредиторлар	530	3156,2
2-бўлим бўйича жами	540	24805,9
Балансининг пассиви бўйича жами	550	418935,4

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОФИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан
1998 йилнинг 15 апрелидан 27 апрелигача Бериуний майдонидаги 1,2,3-уйларда, Ниёзов кўчасидаги 1,2,3,6-уйларда истиқомат қилувчи 49-АТС абонентларида ва генерал Узоқов кўчаси ва унинг 1,2,3,4-тор кўчаларида, Оҳаки кўчаси ва унинг 1,2-тор кўчаларида, Ш.Абзалов кўчасида, Махтумқули кўчасининг 2,3,4,5,6,7-тор кўчаларида, Шуманай кўчаси ва унинг 1,2,3-тор кўчаларида, Тинчлик кўчаси ва унинг 1,2,3,4-тор кўчаларида, Хохлов, Шомаҳмудов ва Нуробод кўчаларида истиқомат қилувчи 46-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайд.

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmoqi» хиссдорлик жамияти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, торшанба
ва жумла
кунлари чиқади.
Нашр қўрсаткичи
209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта буанимларига ёки «Тошкент почтасига» 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.